

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 283 (5274).
12 ДЕКАБРЬ 1983 й.
ДУШАНБА
Газета 1986 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Вақон 3 тьянн.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Меҳнат зафарларимиз - XXIV Тошкент шаҳар партия конференциясига

ЮКСАК ШАРАФ



Тошкент экскаватор заводида кранчилар бригадасининг етакчиси Т. Гавриловани яхши билишди. У юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришиши билан бирга коллектив ҳаётида фаол иштирок этади. Меҳнат хурмат келтиради, деб беэиз айтишмайди. Т. Гаврилова III даража Меҳнат Шўхрати орденининг кавалери. Тажрибали мураббий сифатида ўзини тажрибаларини ёшларга сиқидилдан ўргатади. Коммунист Т. Гавриловага катта ишонч билдирилди. У шаҳар партия конференциясига делегат қилиб сайланди. Конференциянинг бошқа делегatlari қатори Гаврилова бу юксак ишонч зарбдор, юқори унумли меҳнат билан, ишда ва жамоат ҳаётида бошқаларга ўрнак бўлиш билан оқил керак, деб ҳисоблайди.

Сўз-шаҳар партия конференцияси делегатларига

УМУМХАЛҚ ИШИГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

«Ўзбекхлопмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида чигитни толадан ажратиб олиш ва пахта толасини бошқа аралашмалардан тозалаш учун мўлжалланган ускуналар тайёрланди. КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини ба...

шундай қурилмалардан бир қисми бу йил янги ҳосил «оқ олтин»ни қайта ишлашда қўлланиш учун пахта заводларига жўнатилди. Бирлашмаиш барча коммунистлари ўз олдларига қўйилган вазифаларни шараф билан бажаришди. Чунки бизнинг меҳнатимиз республика иқтисодий потенциалини ва мамлакатимиз қудратини мустақамлашга хизмат қилади.

ЕР ЮЗИДА БАРҚАРОР ТИНЧЛИК БЎЛСИН

ИМПЕРИАЛИСТЛАРНИНГ РЕЖАЛАРИ АМАЛГА ОШМАЙДИ!

Ўзбекистон пойтахтининг Сергели районига 10 декабрь кунини ўтган кўп миң кишилик намойиш қатнашчилари «Ядро урушига йўл қўйилмайди!» «Ўқолсин Европадаги Америка ракеталари!» «КПССнинг тинчликсеварлик йўлини маъқуллаймиз!» деган шioriларни кўтариб кўчалардан ўтди. Намойиш «Американинг «Першинг-2» ва «Пантер» ракеталарини Европада жойлаштиришга қарши халқаро ҳаракат ҳаётидаги доирасида ўтказилди. Намойиш охирида районнинг марказий майдонида оммавий митинг бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ишлаб чиқаришдаги юксак кўрсаткичлари, кўп йил самарали ишлаганиликлари, дефолция ва десикация ўтказиш, шунингдек қишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши ердан ўзгани туриб ишлов беришга мўлжалланган универсал машина — ОПХ-28 чангалтич мосламаси бўлган ОВХ-28 маркали серумум янги пуркагични кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда актив қатнашганликлари учун пахтачиликка машиналар ясаб билан шугулланувчи давлат махсус конструкторлик бюроси бошлигининг ўринбосари ўрток Геннадий Иванович Пальмига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инжениер»; СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрилиги Бутунитифоқ «Союзмашлопко»да хизмат кўрсатган саноят бот-сайлов партия конференциялари бўлиб ўтди.

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

10 декабрда Москвада район ҳисобот-сайлов партия конференциялари бошланди. Москва районининг коммунистлари партия ташкилотлари, меҳнат коллективларининг фаолиятини катта қи...

«Авторанспорт ишини яхшилаймиз» газетининг бутунги бош мақолиси ана шундай номланди.

ШАРҲЧИ САТРАЛАРИ

ЗИДДИЯТЛАР ИСКАНЖАСИДА

Европа ҳамжамиятлари кеңашининг «Умумий бозорга аъзо бўлган мамлакатлар ҳукумати ва давлат бошқалиқлари иштирокида Афинада 4—6 декабрь кунлари бўлиб ўтган сессияси, Францияда чиқадиган «Либерсьон»

газетасининг таъбири билан айтганда, тула барбодликка учради. Европа иқтисодий ҳамжамиятининг раҳбарлари муҳокама қилинган масалалардан биронтиси юзасидан ҳам ахдлашувга келиша олмадилар. Олий даражадаги ана шундай учрашувлар бутун тарихи мобайнида биринчи марта хатто қандайдир яқунловчи ҳужжат ҳам ишлаб чиқилмади. Ваҳоланки, «Умумий бозор» министрлари ва экспертлари ярим йил мобайнида шу ҳужжат устида...

Ҳиндистонга бораётиб

Болгария Коммунист партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кеңашининг Раиси Тодор Живков расмий дўстона визит билан Ҳиндистонга бораётиб Тошкентда тўхтаб ўтди. Тошкент аэропортида уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, М. М. Мусахонов, О. У. Салимов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Тодор Живков Ўзбекистон

Бир корхона

янгилклари
2 МИЛЛИОН
СЎМ САМАРА

«Таштекстильмаш» заводига рационализорлик ва ихтирочилик ишлари билан мингдан ортиқ ишчи шугулланмоқда. Биргина ўтган йили корхонада 14 ихтиро ва 123 рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий қилинди ва 2 миллион сўмлик иқтисодий самара олинди. Бўёқ ва семирткич цехларининг ишчилари А. Кротов ва Т. Ковалёвларнинг рационализаторлик таклифлари 11 миң сўмлик маҳсулотни тежаб қилиш имконини берди. Ишчи ва инженер-техник ходимларнинг диққат-этибори меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва хом ашёдан тежакорлик билан фойдаланишга эришишга қаратилган. Инженер В. Логутин раҳбарлик қилаётган рационализатор ва ихтирочилик бюроси таклиф-янгилкларини этибориз қолдирмайди. Ҳам ишлаб, ҳам янгиллик устида изланиш олиб бораётган корхона рационализаторларини ижодкор ишчилар дейиш мумкин.

БИЗ ҲАММАМИЗ-ПАХТАКОРМИЗ ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАСИ 5.800.000 ТОННАДАН ОШИБ КЕТДИ!

Азиз пахтакорлар, олийҳиммат тошкентлик ҳашарчилар! Республикаимизнинг 6 миллион тонналик улкан хирмони ни бунёд этишга салкам 200 миң тонна дуру гавҳар қолди, холос. Яна бир зўр гайрат ва шижоат кўрсатиб ишлаш, шонли маррани эгаллаймиз. Табнатнинг барча қийинчиликларига ҳамма жойда уюшқоқлик, интизом ва қатъиятнинг қарши қўйингиз! Азиз, ҳиммати баланд ҳашарчи-студентлар! Пахтани сўнгги чаноғигача йиғиб-териб олиш учун зарбдор меҳнатингизни аямангиз. Барча ота-оналар, партия ва меҳнат ветеранлари, бутун шаҳар меҳнаткашлари сизларнинг зафар билан қайтишингизни кутмоқда!

«ОҚ ОЛТИН»-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашининг борниш тўғрисида шу йил 10 декабрга бўлган маълумот. (Планга нисбатан процент ҳисобида).

Хоразм	0,08	108,34
ҚКАССР	0,05	108,00
ТОШКЕНТ	0,06	104,21
САМАРҚАНД	0,31	102,44
БУХОРО	0,28	101,55
ҚАШҚАДАРЕ	0,73	100,01
СУРХОНДАРЕ	0,31	99,34
Навоий	0,41	85,52
Фарғона	0,25	81,42
Наманган	0,20	80,62
Андижон	0,14	83,99
Жиззах	0,14	83,83
Сирдарё		

Республика бўйича: 0,27 97,42

ҲОСИЛНИ ИМКОНИ БОРИЧА ТЕЗРОҚ ТЕРИБ ОЛИШ, ОЧИҚ КЕЛГАН ҲАР КУН ВА СОАТДАН ГОЯТ УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ — ҲОЗИР РЕСПУБЛИКАДАГИ ҲАР БИР КИШИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВА ЭНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАСИДИР!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари, Ўзбекистон радиоси ва «Главташпассавтотранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази

Махсус муҳбирларимиз Ҳ. Икромов, А. Эгамназаров, А. Хатамов, А. Абдуразоқовларнинг репортажини газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

КАЛЕНДАРДАН

ЎЗИБ

Егоч йўниш цехининг Р. Қаримов бошлиқ бригадаси меҳнат календарига янги йилнинг июль ойи билан бориши. Бригада аъзоларини бундай йутққа эришгани сабаби — улар ўз ишлари теологиясини пухта билдилар. Бу эса ўз навбатида фақат хом ашёни тежаб имконини берибгина қолмай, исталган вақтда керакли хом ашёдан фойдаланиш имконини туғдиради. Бир сўз билан айтганда ишда кераксиз узилдилар бўлмайди, егочни қиқчи ва тилиш каби мураккаб жараёнлар бир маромда бажарилиши таъминланади. Бригада аъзоларининг аҳди ун, биринчи беш йиллик топшиқларини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига адо этмоқ.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Заводда ишлаб чиқарилаётган технология усулалар иттифоқимиздаги 252 тақдиматчилик корхоналарига жўнатилди. Илгари тайёрланган станоклар учун эҳтиёт қисмлар эса 470 адрес бўйлаб, шу жумладан чет мамлакатларга ҳам юборилди.

Тошкент-жаҳонга

БУЮРТМА БАЖАРИЛМОҚДА

БҮГҮН



ЁШЛАР ШИЖОАТИ

«Оқ олтин» хирмонига қандай гайрати, шижоати бор ҳар бир киши муносиб ҳисса қўлаётган бўлиши керак. Абу Райҳон Беруний номи Халқлар дўстлиги ордени билан таъдирландилар. Ташкилотнинг факультети коллективни Жиззах обалати Дўстлик районидаги В. И. Ленин номи совхоз далаларида меҳнат қилмоқда. Айниқса, совхознинг пахта плани тўғрисида турган шу долзарб кунларда студентлар ва ўқитувчиларимиз юқори меҳнат кўтаришчилиги, шижоат ҳамда қаҳрамонлик кўрсатиб ишляптилар.

Химия фанлари кандидиди Ашраф Эминов бошчилик қилаётган ёш ўқитувчи ва лаборантлар ташкилотнинг факультети коллективни Жиззах обалати Дўстлик районидаги В. И. Ленин номи совхоз далаларида меҳнат қилмоқда. Айниқса, совхознинг пахта плани тўғрисида турган шу долзарб кунларда студентлар ва ўқитувчиларимиз юқори меҳнат кўтаришчилиги, шижоат ҳамда қаҳрамонлик кўрсатиб ишляптилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг «ХИ беш йилликнинг ёш гвардияси» нишонини билан таъдирландилар. Кўпгина ўқитувчилар ва студентлар Ўзбекистон ВЛКСМ Марказий Комитети ва республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги тасвир этган Фахрий Ерлиқлар ҳамда Тошкент политехника институтининг «Социалистик мусобақа илғори» нишонларини олишга сазовор бўлишди.

Факультетимизда бу кунлиги иш кунини учун олинган белгилаб олинган вазифа плани бўйича пахта терилиши ўзининг яхши натижаларини бермоқда, — дейди факультет декани, профессор Анвар Исмомов. — Олти миллион хирмон бунёд этилгунча пахтазорда жасорат кўрсатамиз.

Қ. АҲМЕРОВ, профессор.

СУРАТЛАРДА: 1. Иккинчи курс студенти Сураёв Зинато мавсум бошидан бери уч тонага яқин пахта хирмони уйди. 2. Хирмонда. 3. Пахтазорда меҳнат намуналарини кўрсатаётган факультетнинг бешинчи курс студенти Поллонов.

Қўлидаги таъриба ремонт механика заводи тайёрланган гидрпресслардан ун донаси корхонанинг доимий бюртмачилари — Болгария ҳамда Монголия Халқ Республикаларига жўнатилди. Завод йил бошидан бери ўнга яқин хоржий мамлакатта етмишдан зиёд гидрпресс етказиб берди.

— Хоржий бюртмачиларимизга яна 50 та гидрпресс жўнатилиши керак, — дейди завод партия комитетининг секретари А. Олимбоев. — Ани пайтада Куба ҳамда Германия Демократия Республикаларининг бюртмасини бажариш арафасида турибди.

И. АБЛАМОВ, ТАСС шарҳчиси.

